O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX SHAHAR
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ГОРОДА ДЖИЗАКА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 yil «30» 09 № 947 Jizzax sh.

Жиззах шаҳрида 2021 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли "Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й, 9-сон, 320-модда) 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни 2021 йил давомида ишга жойлаштириш учун ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (кейинги ўринларда – ташкилот деб аталади) учун 3 фоиздан 7 фоизгача миқдорида жами 473 та иш ўринлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шу жумладан:

- ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 10 фоиз (62 киши);

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 10 фоиз (315 киши);

-сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 10 фоиз (24 киши);

- ногиронлиги бор шахслар учун 3 фоиз (18 киши);

-пенсияолди ёшидаги шахслар учун 10 фоиз (28 киши);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар, 10 фоиз (20 киши);

-одам савдоси қурбонлари учун 10 фоиз (6 киши)

2. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари, хусусан:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян

касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши таъминлансин.

3. Шаҳардаги ташкилотларда белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш бўйича махсус комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаб келган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши муносабати билан бўшаб колганда бу ҳақда ташкилот 10 кун муддатда шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини янгидан очилган бўш иш ўрни тўғрисида хабардор этиши белгилансин.

5. Ташкилот раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини белгиланган сони ҳисобида йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай 25 (йигирма беш) фоиз, қолган қисмини банд қилиб қўйишни календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин.

Ташкилотлар томонидан ҳар ойда шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этиб борилсин.

6. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилган тақдирда сарфланган маблағларнинг бир қисмини шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

7. Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Ш.Қаюмов) бир ҳафта муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни олиб борсин.

Мазкур қарор талаблари бажарилмаганлик учун айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин.

8. "Жиззах овози" газетаси (А.Иномов) ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан тарғибот ишларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Ушбу қарор ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Мазкур қарор "Жиззах шаҳрида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида 2020 йил учун иш ўринлари банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 2798-сон қарори 2020 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Иргашев зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **А.Шукуров**

Жиззах шаҳар ҳокимининг
2020 йил 30 09 даги
947 -сонли қарорига
2-илова

Шаҳардаги ташкилотларда белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни ўрганиш бўйича махсус комиссия таркиби

1. **З.Иргашев**	Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари – комиссия раиси
2. Ш.Қаюмов	Шаҳар АБКМ директори, комиссия раиси ўринбосари
3. А.Закиров	Шаҳар статистика бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси
4. Ж.Кенжаев	БТПЖ Жиззах шаҳар бўлими бшлиғи, комиссия аъзоси
5. Н.Хидирназарова	Шаҳар БКМ банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш шўъбаси мутахассиси, комиссия котиби